



Some considerations regarding the object of crimes committed using the internet

Sardor TURAEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2022
Received in revised form
20 July 2022
Accepted 25 August 2022
Available online
15 September 2022

Keywords:

object of crime, possession or embezzlement, fraud, extortion by theft, illegal (unauthorized) use of computer information, bank plastic cards, bank account numbers.

ABSTRACT

In the article, the author highlighted some issues related to the object of crimes committed using the Internet.

Today, the composition of crimes committed using the Internet has significantly exceeded, and now crimes against property are also committed through them. It is important to clarify the issue of the object of these types of crimes, since the correct assessment of their object serves to assign a fair punishment for the act. A growing number of crimes related to the theft of other people's property, which has recently increased, especially the increase in looting by embezzlement or theft, is a serious violation of constitutional human rights and exercise of this right.

The author drew attention to the fact that among the crimes committed using the Internet, a special place is occupied by robbery of the property of other persons using the Internet. In analyzing the object of these crimes, the author refers to the fact that it has become very popular to plunder someone else's property using computer tools in foreign countries, which is called a "plastic crime", against which responsibility is implied in these states. This is due to the fact that in the life of society it is noted that a plastic card, which is considered an electronic means of payment in connection with an account, is very widespread.

2181-1415/© 2022 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol3-iss8/S-pp85-95>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Doctoral Student, Tashkent State University of Law, Tashkent, Uzbekistan

Интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятлар объектига оид айрим муроҳазалар

АННОТАЦИЯ

Калит сүзлар:

жиноят объекти,
ўзлаштириш ёки растрата
қилиш, фирибгарлик,
ўғрилик йўли билан
талон-торож қилиш,
компьютер ахборотидан
қонунга хилоф равишда
(рухсатсиз) фойдаланиш,
банк пластик
карточкалари, банк ҳисоб-
рақами.

Мақолада муаллиф Интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятлар объектига оид баъзи масалаларни ёритган.

Бугунги кунда Интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятларнинг таркиби сезиларли даражада кенгайиб, эндиликда улар воситасида мулкка қарши жиноятлар ҳам амалга оширилмоқда. Уларнинг объектига кўра тўғри баҳолаш қилмиш учун адолатли жазо тайинлашга хизмат қилганлиги учун мазкур турдаги жиноятлар объекти масаласини аниқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Негаки, сўнгги йилларда салмоғи ошиб бораётган ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари, айниқса, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг кўпайиб бораётганлиги шахснинг мазкур конституциявий хуқуқларига тажовуз бўлиб, ушбу хуқуқнинг амалга оширилиши йўлида жиддий ғов бўлмоқда.

Муаллиф Интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятлар орасида ўзгалар мулкини Интернет тармоғидан фойдаланиб талон-тарож қилиш алоҳида ўрин эгаллашига эътибор қаратган. Ушбу жиноятларнинг объекти таҳлилида муаллиф хорижий давлатларда “пластик жиноятчилик” деб ном олган компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш (банк пластик карточкаларини рақамларини “пин кодини” ўғирлаш ёки пластик карточканинг ўзини қалбакилаштириш) жудаям оммалашиб кетганлигини, бунга қарши ушбу давлатлар ЖҚларида алоҳида моддада жавобгарлик назарда тутилганлигини кўрсатади. Бунга сабаб, жамият ҳётида ҳисоб-китоб билан боғлиқ муносабатларда электрон тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточканинг жуда кенг йўлга қўйилганлиги билан изоҳланиши қайд этилган.

Некоторые соображения относительно объекта преступлений, совершенных с использованием Интернета

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

объект преступления,
квалификация, овладение
или растрата,
мошенничество,
вымогательство путем
кражи, незаконное

В статье автор осветил некоторые вопросы, связанные с объектом преступлений, совершаемых с использованием Интернета.

Сегодня состав преступлений, совершенных с использованием Интернета, значительно превысил, и теперь преступления против собственности также

(несанкционированное)
использование
компьютерной
информации, банковских
пластиковых карт, номера
банковского счета.

совершаются через них. Важно прояснить вопрос об объекте этих видов преступлений, поскольку правильная оценка их объекта служит назначению справедливого наказания за деяние. Растущее число преступлений, связанных с хищением чужого имущества, которое увеличилось в последние годы, особенно рост мародерства путем присвоения или растраты, является серьезным нарушением конституционных прав человека и реализации этого права.

Автор обратил внимание на то, что среди преступлений, совершенных с использованием сети Интернет, особое место занимает ограбление имущества других лиц, использующих Интернет. При анализе объекта этих преступлений, автор ссылается на тот факт, что в зарубежных странах стало очень популярным разграбление чужого имущества с использованием компьютерных средств, которое называется "пластиковым преступлением", против которого в этих государствах подразумевается ответственность. Это связано с тем, что в жизни общества пластиковая карта, которая считается электронным платежным средством во взаимосвязи со счетом, очень широко распространена.

Мулқор бўлиш ҳуқуқи ҳар бир инсонга тегишли бўлган муҳим иқтисодий ҳуқуқлардан бири эканлиги халқаро ҳуқуқнинг умумъетироф этилган нормалари ҳамда уларнинг асосий қоида ва тамойилларини ўзида сингдирган республикамиз Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ – фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли. Шунинг учун мулкий ҳуқуқни амалга оширишга қонунга асосланмаган ҳолда ҳар қандай аралashiш ушбу ҳуқуқни жиддий бузиш деб ҳисобланади [1].

Муайян жиноят таркибини ўрганишда унинг объектив белгиларини батафсил таҳлил этиш – улар тўғрисида аниқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини беради. Умуман жиноятнинг объектив белгилари деганда, муайян жиноятнинг объекти ва объектив томонига оид хусусиятлари тушунилади.

Жиноий жазога лойик қилмиш – жиноят таркибининг таҳлили жиноят объектини аниқлашдан бошланади.

"Объект" лотинча сўздан олинган бўлиб, "қарши қўяман" деган маънони англатади. Жиноят объекти эса, ўзида жиноят қонуни билан қўриқланадиган қимматликлар, бойликлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни ифодалайди.

Жиноий тажовуз қаратилган объективни тўғри аниқлаш жиноятнинг хусусияти, юридик табиати, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаш имконини беради. Жиноятнинг объекти жиноят ҳуқуқи назариясининг муҳим ва мураккаб масалаларидан биридир.

Жиноят объекти тушунчасини таърифлашда жиноий жазога сазовор қилмиш туфайли етказилган ёки етказиш хавфи бўлган заарнинг моҳияти ва йўналиши тўғрисидаги масала асос қилиб олиниши кераклигидан келиб чиқиб, олимлар

жиноятнинг объектини: ижтимоий муносабатлар, инсон (одамлар), инсон ҳуқуқлари, муайян ижтимоий (ҳуқуқий) манфаат ёки ижтимоий хавфсизлик [2] деб ҳисоблайдилар.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш том маънода давлатнинг иқтисодий асосларига қарши йўналтирилган. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, иқтисодиётнинг асосини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Талон-торож жиноятини содир этиш натижасида эса, мулк билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга зиён етказилади.

Жиноят кодекси Махсус қисми III бўлимидағи жиноятларнинг турдош обьекти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳисобланади [3]. В.Диденко ушбу жиноятлар иқтисодиёт соҳасидаги мулкий муносабатларга тажовуз қилиш натижасида юзага келишини инобатга олган ҳолда, мазкур соҳадаги жиноий тажовузлар обьектини “иқтисодиёт” деган ягона тушунча асосида бирлаштириш мумкинлигини таъкидлайди [4]. Б.Никифоров ҳам “ижтимоий муносабатларнинг махсус бўлиши биринчидан, ижтимоий муносабатлар мазмунини ташкил этувчи ижтимоий манфаатларнинг муштараклиги; иккинчидан, ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг бир-бирига яқинлиги, ўхшашлилиги билан белгиланади” [5], деб ёзди. Айни дамда турдош обьектнинг асосий ўзига хослиги унинг бир-бирига яқин бўлган ижтимоий муносабатлар гуруҳини ўзида бирлаштиришидир.

Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий нормани ўз ичига олган Жиноят кодекси Махсус қисмининг 10-бобидаги талон-торож қилиш жиноятларининг махсус обьекти – ўзгаларнинг мулки ҳисобланади. Аммо талон-торожнинг обьекти сифатида мулк масаласи жиноят-ҳуқуқий назарияда чуқур мунозараларга сабаб бўлган ва бу баҳслар ҳозирда ҳам давом этмоқда.

Афсуски, сўнгги йилларда салмоғи ошиб бораётган ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари айниқса ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг кўпайиб бораётганлиги шахснинг мазкур конституциявий ҳуқуқларига нисбатан тажовуз ҳисобланиб, ушбу ҳуқуқнинг амалга оширилиши йўлида жиддий ғов бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотларига биноан, охирги йилларда ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг динамикасининг кўтарилиши ҳолати қузатилмоқда: мисол учун, 2019 йилда 4204та; 2020 йилда 4543та; 2021 йилда 4652 та жиноят содир этилган [6].

Айниқса, жамиятнинг барча жабҳалари компьютерлаштирилиши муносабати билан ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш ҳоллари юзага келмоқда. Гарчанд ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилиш жинояти жиноятчиликнинг нисбатан янги кўриниши бўлса-да, ўзининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва жиноят таркибининг ўзига хослиги билан тавсифланувчи ушбу жиноят тури туфайли шахс, жамият ва давлат манфаатларига жиддий зарар етказилмоқда. А.П.Аллаберганов таъкидланганидек, “компьютер ёрдамидан фойдаланиб, талон-торож жиноятини содир этиш жуда мураккаб жиноятлар сирасига мансубдир” [7].

Таъкидлаш жоизки, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишни квалификация қилишда унинг таркиби ўзига хос эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Хусусан,

мазкур жиноят тури жиноят таркибининг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони билан бошқа талон-торож жиноятлари ва ахборот техологиялари соҳасидаги ўхшаш таркибли жиноятлардан фарқланади. Кўйида ушбу масалага батафсил тўхталиб ўтсак.

Муайян жиноят таркибини ўрганишда унинг объектив белгиларини батафсил таҳлил этиш – улар тўғрисидаги аниқ ва тўғри хулоса чиқариш имконини беради. Умуман жиноятнинг объектив белгилари деганда, муайян жиноятнинг обьекти ва обьектив томонига оид хусусиятлари тушунилади.

Сўнгги вақтда чоп этилаётган адабиётларда жиноят обьекти тўрт турга: умумий, турдош, махсус ва бевосита обьектларга ажратилмоқда. Унга мувофиқ, жиноятларнинг умумий обьекти жиноят қонуни барча моддалари йифиндиси билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлардир. Р.Қобулов таъбири билан айтганда, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятининг умумий обьекти – бу жиноят қонуни томонидан қўриқланадиган ҳамда ЖКнинг 2-моддасида санаб ўтилган ижтимоий муносабатлардир [8]. Е.О.Алауханов ҳам бу ҳақда “талон-торож жиноятлари мулк билан боғлиқ ижтимоий муносабатларга тажовуз қилса-да, улар ижтимоий муносабатларнинг бошқа гурухлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси биргалиқда талон-торож жиноятининг умумий обьектини ташкил этади” [9], деб ёзади.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жинояти том маънода давлатнинг иқтисодий асосларига қарши йўналтирилган. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгилаб қўйилганидек, иқтисодиётнинг асосини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этади. Талон-торож жиноятини содир этиш натижасида эса мулк билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга зиён етказилади.

Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятлари учун умумий бўлган белги ушбу жиноятларининг махсус обьекти, яъни мулк билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларда намоён бўлади [10]. Мутахассислар талон-торож қилишнинг махсус обьекти сифатида мулкка ашё, мулк ҳуқуқи [11], мулкий манфаатлар [12], иқтисодий категория [13], юридик категория [14], иқтисодий ва ҳуқуқий категориялар йифиндиси [15] сифатида қарайдилар ёхуд умуман мулкни жиноят обьекти сифатида рад этадилар [16]. Бизнингча, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилиш учун жавобгарлик белгиланган ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган Жиноят кодекси

Махсус

қисмининг

Х бобидаги талон-торож қилиш жиноятларининг махсус обьекти – ўзгаларнинг мулки ва мулкий ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Е.О.Алауханов талон-торожнинг бевосита обьекти хусусида ўз фикр ва мулоҳазаларини куйидагича баён этади: “мулкни талон-торож қилишда тажовуз обьекти, яъни ҳар қандай ҳолатда ва ҳамиша бузиладиган ижтимоий қадрият – бу давлат томонидан белгиланган мулкий муносабатлардир. Бир сўз билан айтганда, талон-торож жиноятларининг асосий ва бевосита обьекти – мулкий муносабатлардир” [17]. Бизнингча, талон-торожнинг бевосита обьектига берилган ушбу таъриф унинг махсус обьектига нисбатан ишлатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Сабаби, талон-торожнинг, шу жумладан, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилиш жиноятининг бевосита обьектини талон-торожнинг шаклларига (ўзлаштириш ёки раства, фирибгарлик ва ўғриликка) боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш орқали аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, талон-торож жиноятларининг айрим турлари содир этилиши натижасида нафақат мулкка, балки жиноят қонуни билан қўриқланадиган бошқа ижтимоий муносабатларга ҳам зарар етказиши мумкин, яъни бундай жиноятлар бир вақтнинг ўзида бир неча ижтимоий муносабатларга дахл қиласи. Жиноят ҳуқуқида содир қилиниши натижасида бир эмас, балки бир неча обьектларга зарар етказадиган жиноят турлари мураккаб таркибли жиноятлар деб аталади.

Мураккаб таркибли жиноятлар деб, жиноят таркиби элементларининг ҳар бири ёки улардан бири икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят турларига айтилади [18]. Чунончи, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жинояти ҳам ўзининг зарар етказиш хусусиятига кўра, мураккаб таркибли жиноятлар сирасига мансуб. Яъни ушбу қилмиш содир этилиши натижасида нафақат мулкий муносабатлар, балки ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, шунингдек, айрим ҳолларда давлат бошқаруви тизими соҳасидаги ижтимоий муносабатлар ҳам зарар кўради. Қоида тариқасида мураккаб таркибли жиноятларда зарар кўрган обьектлар икки ёки ундан ортиқ бўлган жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларни ташкил қиласа, қилмиш асосий бевосита обьектга қараб квалификация қилиниши белгилаб қўйилган.

Жиноят ҳуқуқида “асосий бевосита обьект деб, ижтимоий хавфли тажовуз тўғридан-тўғри қаратилган, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга айтилади. Яъни ушбу обьектсиз жиноят таркиби мавжуд бўлмайди” [19]. Айнан ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилиш эса талон-торож жиноятларининг бир кўриниши сифатида авваламбор, мулкий муносабатларга тажовуз қиласи. Бунда айбдорнинг қасди бевосита ўзга шахсларнинг мулки ёки мулкий ҳуқуқларига қаратилган бўлади. Ушбу обьектга тажовуз қилиш жараёнида у билан биргаликда бир вақтда тажовузга учраган иккинчи бир ижтимоий муносабатлар эса қўшимча бевосита обьектни ташкил қиласи. Қўшимча бевосита обьект деб, асосий бевосита обьектга тажовуз қилинган вақтда тажовузга учрайдиган жиноят қонуни билан қўриқланадиган яна бир бошқа ижтимоий муносабатларга айтилади [20]. Ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилишда қўшимча бевосита обьект бўлиб, одатда аксарият ҳолларда ахборот технологиялари соҳасидаги ижтимоий муносабатлар зарар кўради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг умумий обьекти амалдаги жиноят қонуни билан қўриқланадиган умумий ижтимоий муносабатлар; турдош обьекти – иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатлар мажмуи; маҳсус обьекти эса, мулкий муносабатлардан иборат бўлган ижтимоий муносабатлар ташкил этади, деган хуносага келишимиз мумкин.

Ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишнинг бевосита асосий обьектини мулқдор билан унинг мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган шахслар ўртасида вужудга келадиган мулкий муносабатлар; қўшимча бевосита обьектини эса компьютер ахбороти хавфсизлигини таъминлашга, шунингдек, маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлашган тизимидан фойдаланиш тартибига оид ижтимоий муносабатлар; мансаб мавқеини суистеъмол қилиш йўли билан

ўзлаштириш ёки растрата қилиш содир этилганда эса давлат ҳокимияти, бошқарув ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг нормал фаолият қўрсатишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар ҳам жиноятнинг қўшимча бевосита объектини ташкил этади.

Шу ўринда мазкур жиноятнинг предмети масаласига ҳам ойдинлик киритиб ўтсак. Қоида тариқасида жиноят предмети – у туфайли ёки унинг муносабати билан жиноят содир қилинадиган объектив ҳаётда мавжуд бўлган моддий маънодаги нарсалар [21]. Авваламбор, таъкидлаш ўринлики, амалдаги ЎзР ЖК Х-бобида жавобгарлик назарда тутилган талон-торож қилиш жиноятларининг предмети ўзганинг мулки ҳисобланади. Юридик адабиётларда мулк деганда, ашё, пул ва қимматли қоғозлар, бошқа мулклар ёки мулкий ҳуқуқлар (ФК 128-моддаси) тушунилади ва шу ўринда мулк икки хилда: тор (ашё тариқасидаги мулк) ва кенг (бутунлигича мулк ва мулкий ҳуқуқлар) маънода ишлатилади. Мулкка берилган жиноят қонуни ва фуқаролик қонунидаги таърифларда фарқ бўлмаслиги керак, чунки фуқаролик қонунидаги тушунча қулай ва мақбулдир. Шунинг учун ҳам мулкка қарши жиноятларнинг предмети сифатида жиноят ҳуқуқида мулкка тор маънода берилган тушунчалар билан умуман келишиб бўлмайди, деган фикрларга қўшиламиз [3].

М.Х.Рустамбаев таъбири билан айтганда, “моддий ёки маънавий қимматга эга бўлган, яъни инсон меҳнати сарфланган ашёларгина талон-торожнинг предмети бўлиши мумкин” [18]. Э.С.Тенчевнинг таъкидлашича, “ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг предмети сифатида ўзгаларнинг мол-мулки, шунингдек, мулкка бўлган ҳуқуқ, яъни мулк ҳуқуки ҳамда мулкий тусдаги хизмат (ҳаракат)ларда намоён бўлади”[22]. Ушбу фикрларга қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилишда жиноят предметини нақд бўлмаган пул ташкил этади.

Баъзи тадқиқотчиларнинг қайд этишича, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятларининг предмети ўзганинг мулки бўлар экан, фақат: 1) ашёвийлик белгиси – муайян жисмоний шаклга эга бўлган; 2) иқтисодий белги – объектив иқтисодий қийматга эга бўлган; 3) ижтимоий белги – инсон меҳнати сингган; 4) фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган; 5) ижтимоий-иқтисодий белги – талон-торож содир этилаётган вақтда фуқаролар, давлат органи, корхона, муассаса, ташкилотлар ёки жамоат бирлашмаларининг тасарруфида бўлиши; 6) юридик белги – ўзганинг мулки эканлиги каби белгиларга эга бўлган мулкларгина ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятининг предмети бўлиши мумкин[3]. М.Х.Рустамбаевнинг таъкидлашича, ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятининг предмети моддий борлиқ предмети сингари аниқ хусусият ва белгиларга (оғирлиги, сифати, ҳажми ва ҳоказоларга) эга бўлиши керак[23]. Ю.И.Ляпунов “иқтисодий тарафдан мулк тушунчасига қимматликка ёки муайян баҳога эга бўлган мулклар тушунилади. У ёки бу сабабларга биноан давлат, юридик ва жисмоний шахслар учун моддий қийматини йўқотган мулклар ўзгалар мулкини талон-торож қилиш жиноятининг предмети бўла олмайди”, деб ёзади [24]. Г.А.Кригер эса буни “мулкнинг ижтимоий белгиси деганда, фақатгина яратилганда инсоннинг ижтимоий зарурий меҳнати сингдирилиши туфайли табиий соф ҳолатидан мулк шаклига айлантирилган мулклар тушунилади”, деб эътироф этади [25]. Гарчанд юқорида қайд этилган белгилар ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш предмети учун ҳам хос бўлса-

да, ушбу жиноят предмети айрим истисноларга ҳам эгалигини эътибордан четда қолдирмаслик даркор. Хусусан, ашёвийлик, яъни талон-торож предметининг муайян жисмоний шаклга эга бўлишини ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятига нисбатан татбиқ этиб бўлмайди. Чунки мазкур жиноятларда асосан жисмоний шаклга эга бўлмаган, яъни ахборот қўринишидаги нақд бўлмаган пул маблағлари талон-торож қилинади. Бугунги кунда нақд бўлмаган пул талон-торож жиноятларининг предметини ташкил этиши масаласи бир қанча баҳсларга сабаб бўлмоқда. Жумладан, П.С.Яни, М.В.Фролов, Г.В.Верина, О.И.Годуновлар нақд бўлмаган пулни талон-торожнинг предмети эканлиги тўғрисидаги фикрларни нотўғри, деб таъкидлайдилар [26]. Улар нақд бўлмаган пул ўз ҳукуқий табиатига кўра фуқаролик муомаласидаги ашёвий обьект ҳисобланмайди, балки мазмунини банкнинг мижоз (ҳисобварақ эгаси)га муайян пул қийматини қайтариш ёки ўтказишни ташкил этадиган мулкий мажбурият ҳукуқидир, деб ҳисоблайдилар. Я.С.Васильева, А.В.Хабаров, Л.Ефимова, О.Олейкин, А.В.Шульгалар эса аксинча нақд бўлмаган пулни пул мавжудлигининг шакли деб ҳисоблаб, уни талон-торож предметига киритадилар [27].

Бизнингча ҳам, нақд бўлмаган пул талон-торожнинг предметини ташкил этади. Бу ҳолат айниқса, талон-торож жиноятларининг бир қўриниши бўлган компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзгалар мулкини ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятида нақд бўлмаган пул қўринишида янада яққол намоён бўлади. Яъни у бошқа талон-торож жиноятлари каби тўғридан-тўғри аниқ бир моддий мулкка эмас, балки электрон шаклда бўлган (ахборот, маълумот тусидаги) мулкка тажовуз қиласди. У ҳар қандай ерда, жойда эмас, балки муқим ва кўчиб юрувчи маҳсус қурилма ва жиҳозлар хотирасида ва маҳсус шу фаолиятни бажаришга ихтисослаштирилган муассасаларда сақланади. Хусусан, юқоридаги қонунда қайд этилишича, электрон тўлов хужжатлари электрон ахборот ташувчи жисмларда сақланади (15-модда). Талон-торож предметига хос бўлган яна бир жиҳат – иқтисодий белги ҳам ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилишда ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади. Яъни иқтисодий қийматга эга ҳамда ошкор этилмаган электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базалари; ихтиrolар, фойдали моделлар, саноат намуналари; селекция ютуқлари; ошкор этилмаган ахборот, шу жумладан, ишлаб чиқариш сирлари, know-how (ФК 1031-моддаси) сингари интелектуал мулк обьектлари ҳам мазкур жиноят предмети бўлиши мумкин. Сабаби, санаб ўтилган интелектуал мулк обьектлари ғарз мақсадларда эгалланса, қилмиш амалдаги ЖК 149-моддасида назарда тутилган муаллифлик ёки ихтирочилик ҳукуқларини бузиш моддаси жиноят таркибини ташкил қиласди. Чунки ЖК 149-моддаси диспозициясида содир қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар моддий наф олиш ёки мулкий харажатлардан қутилиш мақсадида содир этилиши назарда тутилмаган [20].

Талон-торож предмети белгиларидан яна бири бўлган ижтимоий-иктисодий белги ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки ратстрата йўли билан талон-торож қилишда ўзига хос хусусият касб этади. Бунда одатда талон-торож содир этилаётган вақтда жиноят предмети саналган мулк бевосита фуқаролар, давлат органи, корхона, муассаса, ташкилотлар ёки жамоат бирлашмаларининг тасарруфида бўлиши назарда тутилади. Ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-

торож қилишда эса, аксарият ҳолларда жиноят предмети жабрланувчининг бевосита эгалигида бўлмайди, яъни нақд бўлмаган пул одатда ушбу пул маблағи сақланадиган ҳамда унинг юзасидан маълум бир операцияларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган махсус муассасаларда банкларда ёхуд қурилмаларда (пластик карточка) сақланади. Одатда, ўзганинг мулки деганда, айбдорнинг тасарруфида ёки қонуний эгалигида бўлмаган мулклар тушунилади. Аммо бундай шарҳлаш ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятига таалуқли эмас, чунки бунда жиноят субъекти талон-торож предметига нисбатан махсус ваколатлардан фойдаланади. Мулкка нисбатан махсус ваколатлардан фойдаланиб, мулқдорнинг ишончини сустеъмол қилиб, айбдор унинг мол мулкини талон-торож қилади. Мулкка нисбатан махсус ваколатлар – ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш жиноятининг махсус белгиси эканлиги жиноят-хуқуқий норма диспозициясида мол-мулк айбдорга ишониб топширилганлиги ва ихтиёрида бўлганлиги билан белгиланади [28]. Лекин ишониб топширилган ёки айбдорнинг ихтиёрида бўлган банд солинган ёки гаровга қўйилган маълум бир ҳисоб варағидаги нақд бўлмаган пул компьютер воситаларидан фойдаланиб, ўзлаштириш ёки растрата қилишнинг предметини ташкил этмайди. Ушбу ҳолатда айбдорнинг ҳаракати ЖК Махсус қисмининг Одил судловга қарши жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган моддалари билан квалификация қилинади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш ўринлики, ўзгалар мулкини компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилишда жиноят предмети сифатида қабул қилинган компьютер ахбороти қўринишидаги нақд бўлмаган пулнинг ўзига хос бўлган қўйидаги махсус белгиларини ажратиб қўрсатиш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, компьютер ахбороти жиноят предмети сифатида интеллектуал ва шахсий мулк ҳисобланади;

иккинчидан – жиноий тажовузга учраган ахборот – талон-торож жинояти предмети сифатида ашёвийлик (жисмоний шаклга) эгалик белгисини истисно этади;

учинчидан – жиноятчи таъсир қиладиган компьютер ахбороти бир қатор бошқа қонунлар билан ҳам ҳимоя қилинади;

тўртинчидан – ушбу ахборотларнинг ахборот ташувчи қурилмаларда (пластик карточка), компьютер, шунингдек, компьютер тизими ёки тармоғида сақланиши.

Хусусан, ушбу вазиятда яна бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, нақд бўлмаган пул сақланадиган махсус қурилма (пластик карточка) ҳажман жуда кичик бўлиши билан бирга ўзида чекланмаган миқдордаги маблагни сақлаши ва давлатда пул тизими билан боғлиқ сиёсатни амалга оширишда энг мақбул чора эканлиги билан ҳам тавсифланади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, пластик карточканинг ижобий томонлари билан бирга, салбий жиҳатлари ҳам мавжуд ва бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларда “пластик жиноятчилик” деб ном олган компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкини талон-торож қилиш (банк пластик карточкаларини рақамларини “пин кодини” ўғирлаш ёки пластик карточкани ўзини қалбакилаштириш) жудаям оммалашиб кетган ва бунга қарши ушбу давлатлар ЖКларида алоҳида моддада жавобгарлик назарда тутилган. Бунга сабаб, жамият ҳаётида ҳисоб китоб билан боғлиқ муносабатларда электрон тўлов воситаси ҳисобланган пластик карточканинг жуда кенг ўйлга қўйилганлигидадир.

Бугунги кунда давлатимизда ҳам пластик карточка билан ҳисоб китобни амалга оширишни таъминлаш юзасидан бир қанча норматив хужжатлар қабул қилинган.

Пластик карточка бу банк томонидан чиқарилган персонифицирланган тўлов воситаси бўлиб карточка эгасининг тегишли банқдаги ҳисоб рақамида маблағ борлигига гувохлик берувчи ва нақд пул тўламасдан товарлар, иш ва хизматларни сотиб олиш ҳукуқини ўзида акс эттиради. Лекин, бугунги кунда бизнинг давлатимизда ҳам банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ўзгалар мулкини талон-торож қилиш ҳоллари кўплаб кузатилмоқда.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, амалдаги ЖК XII бобида кредит карточкаларини тайёрлаш ва қалбакилаштириш бўйича ЖК 176-моддасининг жиноят таркибида жавобгарлик белгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 17 апрелдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айrim масалалар тўғрисида”ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991-2006). Расмий нашр. 1-жилд. – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – Б.116.
2. Севрюков А.П. Хищение имущества: криминологические и уголовно-правовые аспекты. – М.: Экзамен, 2004. – С. 107.
3. Мирзаев У. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 53.
4. Диденко В.П. Квалификация хищений государственного или общественного имущества путем присвоения, растраты или злоупотребления служебным положением. – Киев, 1992. – С.3.
5. Никифоров Б.С. Объект преступлений. – М., 1960. – С.155.
6. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
7. Аллаберганов А.П. Фиригарлик жинояти учун жавобгарлик. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 70-80.
8. Кабулов Р. Уголовно-правовая борьба с хищениями: теория и практика. Дисс. докт. юрид. наук. -Ташкент, 1997. – С. 234.
9. Алауханов Е.О. Квалификация хищения совершенных по подложных документам / Отв. ред. проф. Г.А.Ахмедов. – Алматы – Ташкент: Адолат, 1994. – С.12.
10. Уголовное право. Учебное пособие / под. ред. Л.Д.Гаухмана и С.В.Максимова. – М.: Элит, 2007. – С. 358.
11. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун маъсул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; Маъсул муҳаррир: Н.Тойчиев. – Тошкент: Адолат, 2009. – Б. 596; Кудрявцев В.Н. Объективная сторона преступления. – М.: Госюриздан, 1960. – С. 144-146; Прохоров В.С. Преступление и ответственность. – Л.: ЛГУ, 1984. – С. 44-56.
12. Российское уголовное право. Общая часть. Учебник / Под ред. В.Н.Кудрявцева, А.В.Наумова. – М., 1996. – С.84, 91-92; Фесенко Е. Объект преступления с точки зрения ценностью теории // Уголовное право. – Москва, 2003. – №3. – С. 72.
13. Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. проф. Л.Д.Гаухмана и проф. С.В.Максимова. – М.: Эксмо, 2005. – С. 141-194.
14. Незнамова З.А. // в кн.: Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Отв. ред. И.Я.Козаченко, Г.П.Новоселов. – М.: Норма, 2008. – С. 209.

15. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного права Республики Узбекистан. В 5-ти томах. Т.4. – Ташкент: ТГЮИ, 2009. – С. 12.; Елисеев С.А. Преступление против собственности по уголовному законодательству России: Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Томск, 1999. – С. 17-18.
16. Клепицкий И.А. Собственность и имущества в уголовном праве // Государство и право. – Москва, 1997. – №5. – С. 74-83.
17. Алауханов Е.О. Криминологические проблемы предупреждения корыстно-насильственных преступлений. Автореф. дисс. ... докт. юрид. наук. – Алматы, 2004. – С.10.
18. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.119.
19. Новоселов Г.П. Учение об объекте преступления. Методологические аспекты. – М.: НОРМА, 2001. – С. 20.
20. Рустамбаев М.Х. Курс уголовного право Республики Узбекистан. В5-томах.Общая часть.Т.1. - Ташкент:
21. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – Б. 160.
22. Уголовное право России. Часть особенная. Учебник. – М.: Волтерс Клювер, 2005. – С. 199.
23. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Тошкент, Илм зиё, 2006. – Б. 247.
24. Люпунов Ю.И. Драгоценные металлы как предмет преступлений // Соц. законность. – 1981. – №7. – С. 33.
25. Кригер Г.А., Бабаев М.М. Социалистическая собственность неприкосновенна. – М.: Знание, 1968. – С. 14.
26. Яни П.С. Экономические и служебные преступления. – М.: Бизнес школа Интел-Синтез, 1997. – С. 93. ; Фролов М.В. Имущество как предмет хищения: единство и дифференциация гражданско-правового и уголовно-правового моментов понятия: Дис. ...канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2002. – С. 161-162.; Верина Г.Ф. Дифференциация уголовной ответственности за преступления против собственности: проблемы теории и практики: Автореф. дис. ...докт. юрид. наук. – Саратов. – 2003. –С. 25.; Годунов О.И. Присвоение и растрата как формы хищения (уголовно правовой и криминологический анализ): Дис. ...канд. юрид. наук. – Иванова, 2005. – С. 56.
27. Васильева Я.С. Уголовная ответственность за деяния, совершенные в сфере кредитных отношений: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2000. – С. 20; Хабаров А.В. Преступление против собственности; влияние гражданско-правового регулирования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмен, 1999. – С. 12; Ефимова Л. Правовые аспекты безналичных денег // Закон. – Москва, 1997. - № 1. – С. 97; Олейкин О. Банковский счет: законодательство и практика // Закон. - Москва, 1997. - № 1. – С. 95; Шульга А.В. Присвоение или растрата в условиях становления рыночных отношений / под ред. Р.Р. Галиакбарова. – Краснодар: Кубанский гос. агр. ун-т, 2004. – С.56.
28. Абдуқодиров Ш.Ё., Мирзаев У.М. Мулкни талон-торож қилганлик учун жиноий жавобгарлик. – Тошкент. ТДЮИ, 2009. – Б. 73.